# БУЮК БИРДАМЛИК НАМОЙИШИ


Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН · № 86 (8326). · 2 май, 1984 йил · ЧОРШАНБА · Баҳоси 3 тийин.


**КЕЧА МАМЛАКАТИМИЗДА, ЖУМЛАДАН СЕРҚУЁШ РЕСПУБЛИКАМИЗ, ОБЛАСТИМИЗНИНГ БАРЧА ШАҲАР ВА РАЙОНЛАРИДА 1 МАЙ БАЙРАМИ ЗЎР ШОДУ-ХУРРАМЛИК БИЛАН УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ СИФАТИДА КЕНГ НИШОНЛАНДИ. БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИ ПАРТИЯ ВА ХАЛҚНИНГ МОНОЛИТ БИРЛИГИНИ, ХАЛҚИМИЗНИНГ КОММУНИСТИК ИДЕАЛЛАРГА ЧЕКСИЗ САДОҚАТИНИ ЯНА БИР БОР НАМОЙИШ ЭТДИ.**




МОСКВА. ҚИЗИЛ МАЙДОН. 1984 йил, 1 Май. Суратда: В. И. Ленин мавзолейи минбари. ТАСС—ЎзТАГ телефотоси.

# БИРИНЧИ МАЙНИНГ ҚИЗИЛ БАЙРОҒИ ОСТИДА

## *МОСКВАНИНГ ҚИЗИЛ МАЙДОНИДА 1 МАЙ НАМОЙИШИ*

Космосга чиқиб тушган кишилар планетамизни зангори дейишади. Аммо Биринчи Май куни у қип-қизил либосга бурканади. Меҳнат аҳлининг улуғ қардошлигига садоқат онтини ичаётган ишчилар колонналари кўтариб олган байроқлар жаҳон узра гулхан алангасидек товланади. Биринчи Май байроғига: «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деган сўзлар ёзилган. Синфий жанглар баррикадаларида юзага келган бу жанговар даъват империализмга қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун курашчилар умумий сафдаги ўз ўрнини белгилаб оладиган парол каби янграмоқда.

Меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик кунида совет кишилари, тарихда биринчи ишчи ва деҳқонлар давлатининг гражданлари бутун дунёдаги синфдош қардошларига қизғин салом йўллайдилар. Пролетар маёвкалари хотираси каби кўкракка қизил лента тақиб, қизил байроқлардан ранг олган чеҳралар гулгун ёниб бораётган байрам сафларидаги кишилар шу қардошларнинг ҳамдамлигини ҳис этадилар. Бизнинг кучимиз, империалистик реакция кирдикорлари устидан ғалаба қозонишимиз гарови мана шу жипсликдадир.

Тинчлик, Меҳнат, Май сўзларини тарихнинг ўзи ёнма-ён қўйган. Биринчи Май арафасида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко Москвадаги «Серп и Молот» металлургия заводининг ишчилари билан учрашувда сўзлаган нутқида «Ишчилар синфи ўз табиатига кўра, бунёдкор синфдир» деб таъкидлади. Коммунизм бинокори — совет халқининг ишлари ва фикри-зикри бунёдкорлик, тинчликка интилиш руҳи билан суғорилган. Ватанимиз пойтахти — Москвадаги Биринчи Май намойиши буни зўр жозиба кучи билан тасдиқлади.

Совет кишиларининг фикр-ўйлари, зафарлари, режалари ва умидлари Қизил майдоннинг тантанали безакларида акс эттирилган.

Давлат универсал магазинининг биносига ўрнатилган қизил алвонга К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин сиймолари тасвирланган. Уларнинг номлари бутун дунё меҳнаткашлари учун социал адолат ва бахт-саодат йўлидаги курашнинг илҳомбахш рамзи бўлиб қолган. Ранг-баранг паннодаги «Коммунизм ғалабаси сари, олға!» даъвати чўғдек товланиб турибди.

Ленин тузган коммунистлар партияси ўз йўлбошчиси кўрсатган йўлдан комил ишонч билан олға бормоқда. Октябрь йўлбошчисининг васиятларига садоқат эса партия фаолиятидаги давомийликнинг асосидир, ривожланган социализм жамиятини ҳар томонлама такомиллаштириш борасидаги улкан ишлар муваффақиятининг гаровидир. Бу эса партия билан халқнинг стратегик вазифасидир. Уларнинг мустаҳкам бирлиги, ленинча йўлнинг метинлигини КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил февраль ва апрель Пленумлари, СССР Олий Советига ўтказилган сайлов, унинг биринчи сессиясининг иши яна очиқ-ойдин намойиш этди.

Мамлакатнинг энг катта майдони узра СССРнинг давлат байроғи, иттифоқдош республикаларнинг байроқлари ҳилпираб турибди. Кремль деворига совет халқлари бузилмас қардошлигининг рамзи сифатида ССР Иттифоқи герби, эркин ва тенг республикаларимизнинг герблари ўрнатилган.

Спасский минорасидаги соат стрелкалари ўнга яқинлашади. Москва меҳнат аҳли намояндаларининг дастлабки колонналари Қизил майдонга кириб кела бошлайди. Сафлар узра КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоларининг портретлари кўзга ташланади. Ўртоқ К. У. Черненконинг: «Партиямизнинг, халқимизнинг Ленин васиятларига амал қилишга шайлиги мустаҳкам» деган сўзлари ёзилган транспарант байроқлар орасида кўтариб олиб келинади.

Намойиш қатнашчилари майдоннинг каттакон квадратида тўрт колонна бўлиб саф тортиб КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Май чақириқлари ёзилган транспарантларни сафлар тепасида баланд кўтариб олганлар. Бу чақириқларда партия билан халқ бунёдкорлик фаолиятининг КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари белгилаб берган асосий йўналишларга бутун диққат-эътибор жалб этилган.

Плакатлардан бирига «Совет Тинчлик программасини рўёбга чиқарамиз!» сўзлари ёзилган. Дарҳақиқат, тинчлик-социализмнинг идеалидир. Ўз тарихини Лениннинг сулҳ тўғрисидаги декретидан бошлаган мамлакатимиз Оқ уйнинг авантюрачилиги натижасида хатарли равишда кескинлашган ҳозирги мураккаб халқаро вазиятда ҳам Ер юзида тинчликни изчиллик билан ҳимоя қилиб турибди. КПСС Марказий Комитетининг — империализм агрессив кучларига қарши, ядро уруши хавфини тугатиш учун, ядровий, химиявий қуролларни ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролларини тақиқлаш учун курашни кенг авж олдирингиз,— деган даъвати бутун Ер юзидаги кишиларга қаратилган.

Паннода ишчининг забардаст қўллари баланд кўтарган қизил байроқ тасвирланган. Қирмизи алвонга: «Жаҳон социализми, халқаро пролетариат ва миллий озодлик ҳаракатининг иттифоқи мустаҳкамланаверсин!» деган сўзлар ёзилган. Биринчи Май ҳозирги замоннинг мана шу учта етакчи кучи ўзаро узвий боғланганини синовдан ўтказмоқда.

Партия ва меҳнат ветеранлари, Октябрь революцияси ва Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг намояндалари минбарларга чиқадилар. Таклиф қилинганлар орасида дастлабки беш йилликларнинг зарбдорлари ва замонамиз қаҳрамонлари — ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, таниқли фан, адабиёт, санъат арбоблари, СССРнинг космонавт учувчилари бор.

Кўпдан-кўп чет эллик меҳмонлар — дунёнинг юздан ортиқ мамлакатидан касаба союз ташкилотлари ва ишчилар ҳаракатларининг вакиллари, Жаҳон Касаба союзлари Федерациясининг, бошқа халқаро ташкилотларнинг намояндалари, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик учун атоқли курашчилар Биринчи Майни кутиб олиш учун совет пойтахтига келганлар. Москвадаги байрам тантаналарида уларнинг қатнашаётганликлари холис ниятли кишилар пролетар интернационализмининг, халқаро бирдамлигининг яна бир кўринишидир.

Москваликлар ва пойтахт меҳмонлари Коммунистик партия билан Совет давлатининг раҳбарларини «Ура!» хитоб сўзлари билан, узоқ давом этган гулдурос қарсаклар билан самимий табриклайдилар. **К. У. Черненко, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, Г. В. Романов, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, В. М. Чебриков, М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, Е. К. Лигачев, К. В. Русаков, Н. И. Рижков** ўртоқлар мавзолей марказий минбарига кўтариладилар. Бу ерда таниқли совет ҳарбий бошлиқлари ҳам бор.

Завқли баҳор тонгида Кремль курантлари 10 бор урган бонг фанфараларнинг тантанали қўшиғига ҳамоҳанг янграйди. Майдон узра Биринчи Май шарафига, улуғ совет халқи ва унинг жанговар авангарди — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси шарафига табрик сўзлари таралади. Байрам колонналари қудратли «Ура» садоси билан жавоб қайтаради.

Пионерлар мавзолей минбарига югуриб чиқадилар. Улар Коммунистик партия билан Совет давлатининг раҳбарларига гуллар, Биринчи Май қизил ленталарини топширадилар.

Шўх марш садолари остида майдонга пойтахт районларининг вакиллари кириб келадилар. Қаҳрамон шаҳар — Москва байроғи олдинда кўтариб ўтилади.

«Серп и Молот» заводи меҳнатчиларининг колоннасига тизилган кишиларнинг кайфияти айниқса баланд. Ўртоқ К. У. Черненко билан учрашув металлургларга илҳом бағишлади, уларни янги катта ишларга руҳлантирди. Намойишчилар орасида Константин Устинович билан шахсан учрашиб, суҳбатлашишга мушарраф бўлган ишчилар кўп. Улардан бири — катта мастер, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Б. Чуканов шу учрашув ҳақидаги таассуротларини ўртоқлашиб, ТАСС мухбирларига бундай деди:

— Константин Устинович иссиқ цехлардаги вахтада турган кишиларнинг оғир меҳнати ҳақида зўр ҳурмат билан гапирди, металлург касбининг обрўсини кўтариш кераклиги ҳақидаги фикримизга қўшилди. Менинг:

(Давоми 2-бетда).

# ЛЕНИН ПАРТИЯСИ БАЙРОҒИ ОСТИДА

## *ТОШКЕНТДА БАЙРАМ НАМОЙИШИ*

Ўзбекистон пойтахти биринчи Майни баҳорнинг ранг-баранг бўёқлари билан, бунёдкорлик ишлари билан жўш урган ҳолда кутиб олди. Тантанада партия ва меҳнат ветерани, 1920 йилдан бери КПСС аъзоси, Йўлдош Бобожонов кўп минглаб тошкентликлар билан бирга қатнашди. Жонажон шаҳардаги биринчи Май намойишлари катта бир йилнома саҳифалари каби унинг хотирасида сақланиб қолган. Лекин 1925 йилнинг биринчи Майи айниқса эсда қолган. Ўшанда эндигина бунёд этилган Ўзбекистон республикаси бу байрамни биринчи бор нишонлаганди. Комсомоллар уйма-уй юриб қўшиқ айтиб, кишиларни майдонга чорлаган эдилар. Советлар ҳокимиятини қўлга киритган ва қарор топтирган шонли Тошкент пролетариатининг вакиллари кўкракларига қизил лента таққан ҳолда ҳаммадан олдин қадам ташлаб борардилар. Ўшанда темир йўл устахоналари ва бир неча ярим кустарь корхоналарнинг ишчилари пролетариат ўзагини ташкил этишганди. Минбарлардан нотиқларнинг сўзлари жаранглар ва жонажон Ўзбекистон совет миллатлари ҳамдўстлигида мустаҳкамланиб, куч-қувватга тўладиган вақт етиб келишига киши ишонарди.

Ветеран ҳозирги биринчи Май тантаналари манзарасига, унинг ҳар бир тафсилотига диққат билан тикилади. Владимир Ильич Ленин номидаги майдон уни қувонтиради. Бу майдон СССР ва қардош республикаларнинг байроқлари, марксизм-ленинизм таълимоти асосчиларининг портретлари, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатларининг портретлари билан безатилган. Бу ердаги меҳмонларга аталган минбарларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ревизия комиссиясининг аъзолари, СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советларининг депутатлари, партия ветеранлари, ишлаб чиқариш новаторлари, фан ва маданиятнинг таниқли арбоблари туришибди. Телевидение республика шаҳар ва қишлоқларидаги миллион-миллион меҳнаткашларни В. И. Ленин номидаги майдонда бўлган тантаналарнинг қатнашчиларига айлантирди.

Эрталаб соат 10. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Б. Усмонхўжаев, Р. Ҳ. Абдуллаева, Е. А. Айтмуротов, И. Г. Анисимкин, Ғ. Х. Қодиров, Ю. П. Максимов, В. К. Михайлов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, У. У. Умаров, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари ҳукумат минбарига кўтариладилар.

Минбардагилар намойишни бошлаб берган ишлаб чиқариш илғорлари йиғма колоннасини узоқ давом этган қарсаклар билан кутиб оладилар. Шаҳарда мавжуд резервлардан моҳирлик билан фойдаланиб, белгиланган нормаларни анча ошириб бажараётган ва юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқараётган новаторларнинг сафлари тез ўсиб бормоқда. Коллектив пудрат шу резервларнинг энг муҳими ҳисобланади. Тошкентда қарийб 10 мингта ишлаб чиқариш бригадаси ўзларида меҳнатни ташкил этишнинг ана шу олий формасини қўллашди.

Байрам намойиши қатнашчиларининг колонналари парадлар хиёбони бўйлаб қудратли тўлқин бўлиб майдонга кириб келмоқда. Тошкентнинг меҳнат аҳли байроқлар, плакатлар ва транспарантлар чўғида келмоқда. Шаҳар меҳнаткашлари намойишга шоду хурсанд бўлиб чиқдилар. Улар меҳнаткашлар халқаро бирдамлиги кунини партия XXVI съездининг қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненко нутқларида ўртага қўйилган вазифаларни муваффақиятли амалга оширишга аҳд қилганликларини тасдиқловчи янгидан-янги ютуқлар билан нишонладилар. КПСС Марказий Комитети 1984 йил февраль ва апрель Пленумлари, ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети биринчи сессияси қарорларини қизғин маъқуллаган сўзлар транспарантларда кўп марта такрорланган. Бу қарорлар совет кишилари учун ривожланган социализм жамиятини ҳар томонлама такомиллаштириш йўлида жанговар иш программаси бўлиб қолди. Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришга, меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 1 процент оширишга ва маҳсулот таннархини қўшимча равишда 0,5 процент камайтиришга қатъий аҳд қилганлар.

Константин Устинович Черненконинг Москвадаги «Серп и Молот» металлургия заводи ишчилари билан учрашув вақтида сўзлаган нутқи барча совет кишилари сингари тошкентликлар ғайратига ғайрат қўшди, мамлакат халқ хўжалигини ривожлантириш борасида партия белгилаб берган вазифаларни бажаришга қўшадиган ҳиссаларини бутун чоралар билан кўпайтириш истагини бахш этди. Шаҳар меҳнаткашлари биринчи Май арафасида танишиб чиққан шу нутқ амалий фаолият учун дастуруламал сифатида қабул қилинди. Ўзбекистон пойтахтининг ишчилари, инженерлари, техниклари, бутун аҳолиси меҳнаткашлар халқаро бирдамлик кунини байрам қилаётиб, шу муҳим ҳужжат жонажон Ленин партияси халқ фаровонлиги тўғрисида, Ватан қудратини муттасил ошириб бориш ҳақида нақадар зўр ғамхўрлик қилаётганлигидан яна бир карра яққол далолат беради, деб зўр мамнуният билан қайд этмоқдалар. Ўртоқ К. У. Черненко серунум меҳнат, ҳар бир кишининг ишлаб чиқаришни ривожлантиришдан манфаатдорлиги ҳозир ҳар қачонгидан кўра ҳам кераклиги ҳақидаги, халқ фаровонлигини шундай асосдагина юксалтириш мумкинлиги тўғрисидаги кўрсатмасини барча меҳнаткашлар қизғин қўллаб-қувватладилар.

Йўлдош Бобожонов темирйўлчилар ремонтдан чиқарган паровозни шаҳарликлар қандай руҳланиб кутиб олганликларини эслайди. 1925 йилда шу паровоз биринчи Майга қилинган энг катта совға бўлганди. Бу сафарги намойиш безаклари ҳозирги майолди меҳнат вахтасида шаҳарда пахта териш ва тўқимачилик машиналари, тракторлар, экскаваторлар, компрессорлар, ғоят аниқ приборлар, газлама, кийим-кечак графикдан ўзиб тайёрланганлиги тўғрисида ҳикоя қилади. Эндиликда тошкентликларнинг меҳнат зафарлари кўлами ана шундай кенгайиб кетган. Панноға чизилган рақамлар ҳозир шаҳарда энг янги машина-ускуналар билан таъминланган икки юзга яқин катта завод ва фабрика ишлаб турганлигини билдиради. Республика бунёд этилганидан бери саноат маҳсулоти ҳажми 780 баравардан зиёд кўпайди. Шаҳар ишчилар синфининг сони 50 баравар ошди. Икки миллион кишилик Тошкент мамлакатнинг энг муҳим индустриал ва маданий марказлари қаторида кўзга кўринарли ўрин эгаллаб турибди.

Меҳнат коллективларининг вакиллари майдондан байроқларни кўтариб ўтиб бормоқдалар. Шу коллективлардан ҳар бирининг байрам кунида айтишга арзигулик ишлари бор. Тошкентликлар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига тайёргарликни муносиб ишлар билан нишонламоқдалар. Йил бошидан бери пландан ташқари 25 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди. Мингга яқин буюм олий сифат категориясига сазовор бўлди. Бир йил ичида рационализаторлар ва ихтирочиларнинг таклифларини жорий этиш ҳисобига 75 миллион сўмдан кўп пул тежалди.

Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш асосий йўналишлари катта аҳамиятини қайд этувчи транспарантлар намойишчиларнинг сафлари узра кўтарилган .Бу асосий йўналишлар умумхалқ муҳокамасидан ўтганидан сўнг уни КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми ва ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессияси маъқуллади. Тошкент, бутун республика меҳнаткашлари ўқувчилар фан асосларини чуқур эгаллаб олишларини таъминлашга, уларда мустаҳкам коммунистик эътиқод, меҳнатсеварлик, маънавий поклик, юксак ватанпарварликни шакллантиришга даъват этилган бу ислоҳот амалга оширилиши учун зарур ҳамма ишларни бутун мамлакат билан бирга қилишга тайёрдир.

Тракторсозлар катта бир колонна бўлиб бормоқдалар. Уларнинг ҳисобида шонли ишлар кўп — совет пахтачилигини комплекс механизациялаш даражасини янада ошириш учун зарур «пўлат отлар» ишлаб чиқаришни кўпайтиришга имкон берадиган корхонани реконструкциялаш ишлари кенг кўламда амалга оширилмоқда. Тез орада янги кабинаси бўлган тракторлар конвейерга қўйилади. Бирлашмада пахта териш машиналарини яратувчилар орзиқиб кутаётган юз от кучига эга бўлган тракторларни ишлаб чиқара

(Давоми 2-бетда).

